

Қабр роҳати ҳақида



15:20 / 10.01.2023 3190

Ҳар доим қабр азоби ҳақида сўзлашадию, қабр роҳати ҳақида сўзланмайди.

Қабр неъматлари:

1. Унга жаннат тўшакларидан тўшаб берилади.
2. Унга жаннат либосларидан кийдирилади.
3. Унга шамол, насими келиб туриши, хушбўй ҳидларидан ҳидлаши ва унга қараб кўзлари қувнаши учун жаннатдан бир эшик очиб берилади.
4. Қабри унга кенгайтириб берилади, унинг ҳиди хўшбўйлик ҳиди каби бўлади.
5. Унга Аллоҳнинг розилиги ва жаннатининг хушxabари бериб турилади. Шу сабабли ҳам у қабр соҳиби қиёмат келишига муштоқ бўлади. Имом Аҳмад ва Абу Довудлар ривояти.
6. Жаҳаннамдаги ўрни кўрсатилиб, Аллоҳ таоло унга жаннатдаги ўрин

билан алиштириб берилганини кўрсатилганидан кейинги унинг сурури
Имом Аҳмад ривояти.

7. Қабрда худди куёв боладек ухлаб ётади ва қабри нурлантириб
қўйилади.

Имом Термизий ривояти.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам доим Аллоҳ таолодан қабр
азобидан паноҳ сўрар эдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларида: «Аллоҳим! Сенинг ила қабр
азобидан, дўзах азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ва Масийҳ
Дажжолнинг фитнасидан паноҳ сўрайман», дер эдилар.

Икки Шайх ва Насайй ривоят қилган.

Инсон умри поёнига етиб қабрга дафн этилгач, унинг жони яна қайта
жасадига киради. Бу масалада баъзи аҳли илмлар таваққуф қилиб қатъий
қарорга кела олмаган бўлсаларда, лекин аксар уламоларга кўра бу
ҳақиқатдир.

Манба: @arabicuz